

РАҖАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ДАВЛАТНИНГ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА ҚҮЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРАЛАРИ ТИЗИМИ

Махмудова Дилбар Рахмоновна

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7375949>

Аннотация. Мақолада кичик бизнес бошқарувини такомиллаштиришида давлатнинг тартибга солиши ва қўллаб-қувватлаши чоралари тизими хусусида сўз юритилган бўлиб, давлатнинг фискал, монетар ва бевосита сиёсатининг аҳамияти очиб берилган. Маҳаллий ва хориж олимларининг илмий қарашлари ўрганилган ҳолда, Ўзбекистон шароитида кичик ва ўрта бизнесни давлат томонидан тартибга солиши ва қўллаб қувватлашнинг шакллари яхлит тизим сифатида келтирилган. Шунингдек, кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янгича номланиши яъни кичик бизнес реабилитацияси термини ишлаб чиқилган. РаҖамли иқтисодиёт шароитида кичик бизнес субъектларини аниқлаш меъзонларидан бири сифатида янги таркиб меъзони муаллифнинг илмий тадқиқотлари янгилиги сифатида келтирилган. Мавзу юзасидан илмий – амалий аҳамиятга эга тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: кичик бизнес, давлат томонидан тартибга солиши ва қўллаб қувватлаши шакллари, давлатнинг фискал, монетар ва бевосита сиёсати, кичик бизнес реабилитацияси, таркиб меъзони, раҖамли иқтисодиёт.

СИСТЕМА ГОСУДАРСТВЕННЫХ МЕР РЕГУЛИРОВАНИЯ И ПОДДЕРЖКИ ПО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ УПРАВЛЕНИЯ МАЛЫМ БИЗНЕСОМ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

Аннотация. В статье говорится о системе регулирующих и поддерживающих мер государства в совершенствовании управления малым бизнесом, раскрывается значение фискальной, монетарной и прямой политики государства. Формы государственного регулирования и поддержки малого и среднего бизнеса в условиях Узбекистана представлены как единая система, изучив научные взгляды отечественных и зарубежных ученых. Также было разработано новое название государственной поддержки малого бизнеса, то есть термин оздоровление малого бизнеса. В качестве одного из критерии выявления субъектов малого предпринимательства в условиях цифровой экономики представлен новый содержательный критерий как новинка научного исследования автора. По теме разработаны предложения и рекомендации, имеющие научное и практическое значение.

Ключевые слова: малый бизнес, формы государственного регулирования и поддержки, фискальная, монетарная и прямая политика государства, реабилитация малого бизнеса, критерии содержания, цифровая экономика.

A SYSTEM OF GOVERNMENT REGULATION AND SUPPORT MEASURES TO IMPROVE SMALL BUSINESS GOVERNANCE IN THE DIGITAL ECONOMY

Abstract. The article talks about the system of regulatory and support measures of the state in improving small business management, the importance of the fiscal, monetary and direct policy of the state is revealed. The forms of state regulation and support of small and medium-sized business in the conditions of Uzbekistan are presented as a whole system, having studied the scientific views of local and foreign scientists. Also, a new name for state support of small

business, that is, the term small business rehabilitation, was developed. As one of the criteria for identifying small business entities in the digital economy, the new content criterion is presented as a novelty of the author's scientific research. Proposals and recommendations of scientific and practical significance have been developed on the topic.

Keywords: *small business, forms of state regulation and support, fiscal, monetary and direct policy of the state, small business rehabilitation, content criteria, digital economy.*

КИРИШ

Кичик бизнес бошқарувини такомиллаштиришда давлатнинг тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш чоралари тизимини ўрганиш жараёнида, ўзи умуман олганда давлат томонидан тартибга солиш бизнесга ёрдам берадими ёки зарар деган савол туғилиши мумкин. Жаҳон банки бизнес юритиши қулайлиги бўйича АҚШни еттинчи энг яхши мамлакат деб топди, лекин тадқиқотлар шуни кўрсатдики, кичик бизнес субъектлари тартибга солишини ҳали ҳам жуда кўп дейишмоқда. Бир томондан, тартибга солиш истеъмолчиларни ҳимоя қиласи ва барча корхоналарга тенг муносабатда бўлишни ва жамиятга тенг ҳисса қўшишни таъминлайди. Бошқа томондан, ҳаддан ташқари тартибга солиш бизнесни бўғиб қўйиши, уларни иш ўринлари яратиши ва иқтисодиётга ҳисса қўшишига тўсқинлик қилиши мумкин.

Маълумки, кичик бизнесни назорат қилишда давлатнинг фискал, монетар ва бевосита қўллаб-қувватлаш сиёсати мавжуд. Фискал сиёсатда тадбиркорлик субъектлари фаолияти солиқ ва давлат тўловлари орқали бошқарилса, монетар сиёсатда давлат миллий банки орқали муомалага тушадиган пул массасини назорат қилиш ва бошқариш тушунилади. Давлатнинг кичик бизнесга бевосита таъсири эса унинг шу соҳага тегишли қонунлар яратиши билан амалга оширилади.

Кичик бизнеснинг ривожланиши кўп жиҳатдан давлатнинг мазкур секторни тартибга солиш бўйича олиб бориладиган сиёсатига боғлиқ экан, тартибга солишининг чуқурлаштирилган фискал сиёсати тадбиркорлик субъектининг мустақил фаолиятига қийинчилликлар туғдиришига олиб келади. Шу сабаб, иқтисодиётни бошқаришда фискал сиёсат салмоғи юқори бўлмаслиги лозим. Негаки, солиқ қонунчилигидаги доимий ўзгаришлар, солиқ турларининг кўплиги ва солиқ тизимининг мураккаблиги тадбиркорларга ўз бизнесини шакллантиришидан кўра, уларнинг банкротлик ҳолатига тушишига олиб келади.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Маҳаллий олимларимиздан М.Эшов илмий тадқиқотлари давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишини икки йўналишини келтирди. Булар, тадбиркорлик, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун умумий шарт-шароитларни барпо этиш; қўллаб-қувватлаш ва имтиёзлар тақдим этиш. Биринчи йўналиш барча корхоналар учун иқтисодий эркинликни кафолатловчи, истеъмолчилар манфаатларини ҳимояловчи ва рақобатни рағбатлантирувчи қонунчилик тизимини ўз ичига олиб, умумий шароитларни барпо этишда давлатнинг солиқ ва бюджет сиёсати муҳим роль ўйнайди. Иккинчи йўналишда давлатнинг кичик бизнесга нисбатан олиб бораётган молия ва кредит сиёсати, давлат бозорида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун муайян улушни таъминлаш механизми, уларга кўмаклашишнинг бошқа турлари асосий ўринга эга.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиши учун қулай ҳуқуқий муҳитни барпо этиш ривожланган мамлакатларда, энг аввало, антимонопол қонунларни ўз ичига олади. Бу иккала йўналиш ўзаро бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга.

Кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масаласи қўплаб хориж тадқиқотчилари ишларида ҳам ўрганилган. Жумладан, С.Милано томонидан берилган таърифда “бизнес учун қулай муҳит”ни яратишда давлат гратлари, солиқ имтиёzlари, ходимларни ўқитиш, ерларни текин ажратиш, паст фоизли кредитлар ажратиш, инфротузилмани такомиллаштириш, лицензиялаш ва рухсатномаларни тезлаштиришда ёрдам бериш каби бир қатор вазифалар бажарилиши лозимлиги айтиб ўтилган.

Шунингдек, В.В. Алещенко, В.В. Карпованинг “Кичик ва ўрта бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш” номли колектив монографиясида “қўллаб-қувватлаш ҳар доим ҳам молиявий бўлиши шарт эмаслигини тушуниш кераклиги, маълум бир соҳани манфаатларини кўзлаб, билим ва технологияларни маълум кетма-кетликда узатиш муҳим”лиги келтирилган. Бу таърифдан кўриниб турибдики, кичик бизнесда фақатгина молиявий қўллаб-қувватлашдан ташқари интелектуал салоҳият ва технологик жиҳатдан таъминланган бўлиши лозим. Айниқса, рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида бу ўта муҳим аҳамиятга эга.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ


Кичик ва ўрта бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қўлами ҳар қайси мамлакат иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий аҳволи ҳолатидан келиб чиқсан ҳолда турлича йўналишларда, шаклларда амалга оширилади. Ўзбекистон иқтисодий-ижтимоий ҳолатида эса бу секторга берилган эътиборни, ҳамда юқорида исмлари зикр этилган олимлар тадқиқотлари, уларнинг қарашларини таҳдил қилган ҳолда унинг қўйидаги шакллари яхлит тизим кўринишида тузилди (расм 1).

Келтирилган расмда кичик ва ўрта бизнесни давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб қувватлашнинг шакллари иқтисодиётимизнинг ҳозирги қунгача бўлган ҳолати нуқтаи назаридан тадқиқ этилган бўлса, келгуси тараққиёт босқичи даврида, айниқса рақамли иқтисодиёт шароитида бу соҳага эътибор бунданда ортиб бориши ва қўллаб-қувватлаш чораларининг янги шакллари, турлари пайдо бўлишига олиб келади.

Бу борада иқтисодчи У.В.Гафуров диссертация тадқиқотларида “Кичик бизнес субъектлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш шакл ва воситалари кичик бизнес соҳасининг ривожланганлик даражасига кўра ўзгариб, унга мос тушувчи воситалар қўлланиб бориши лозим” деган фикрларида ҳам кичик бизнеснинг ривожланиши билан унга хос равища янги чора-тадбирлар кўрилиши кераклиги айтиб ўтилган.

Айнан шундай хусусиятларни инобатга олган ҳолда бизнингча, кичик бизнеснинг яшовчанлик даврини узайтириш, ҳозирги бозор коньюктурасида рақобатбардошлигини ошириш ва бошқарувини такомиллаштириш нуқтаи назаридан давлат томонидан тартибга солиш ҳамда қўллаб-қувватлашнинг янгича ном билан айтганда **кичик бизнес реабилитацияси** амалга оширилиши лозим. Яъни, биламизки реабилитация сўзи [лот. *rehabilitatio* – тиклаш] (тиббиётда) – организмнинг бузилган фаолиятини ва беморлар ҳамда ногиронларнинг меҳнат қобилиятини тиклашга қаратилган тиббий, педагогик ва ижтимоий чора-табирлар мажмуи. Оғир касалликлар, марказий нерв тизимининг жиддий

зарарланишлари, рухий касалликлар ва бошқа(лар)га учраган беморлар реабилитацияга кўпроқ муҳтож бўладилар.



Ўзбекистонда КЎБ субъектларини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-куватлаш шакллари тизими

Тиббий реабилитация касаллик туфайли фаолиятини йўқотган аъзо фаолиятини қисман ёки тўлиқ тиклаш ёки касалланган соҳадаги авж олаётган жараённинг иложи борича олдини олишга қаратилади. Реабилитацияни амалга ошириш ҳар бир беморнинг умумий аҳволидан келиб чиқсан ҳолда касалликнинг шакли ва кечишига қараб белгиланади. Худди шундай жараён айнан кичик бизнесда ҳам учрайди. Айниқса, рақамли иқтисодиёт шароитида кичик бизнес давлатнинг кўмагига, юқорида айтиб ўтганимиздек реабилитациясида муҳтож бўлади. Тараққиётнинг бу босқичида кичик бизнеснинг умумий фаолиятини тиклаш, тиббиёт тили билан айтганда касалликни тўғри диагнозини қўйиш ўта муҳим вазифалардан бўлиб, ижтимоий (моддий, маънавий, психологик, хукукий) чора-тадбирларнинг тезликда қўрилиши соҳани жаҳон рақобатига тенглаша оладиган даражага чиқишига олиб келади. Зеро, дунёга машхур ўзининг бизнес бошқаруви мактабига асос солган бизнес консультант Ицхак Адизес сўзларига кўра, “корхона бу тирик организмдир”.

Кичик бизнес реабилитациясида бу соҳани ривожлантиришнинг энг заиф томонларини ислоҳ қилишга асосий эътибор қаратилар экан, унда дастлаб ҳозирги замон талабларини ҳисобга олган ҳолда бошқарув, техник ва ахборот ёрдамларини кўрсатиш, маслаҳат-консалтинг хизматлари ролини ошириш, бизнес таълимни чукур йўлга қўйиш,

шунингдек, давлат томонидан қўллаб-кувватлашнинг энг таъсирчан воситаларидан бири соҳа инфратузилмасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари ҳал қилиниши лозим.

Мамлакатимизда кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-кувватлашда, аввало унинг аниқлаш мезонларига катта аҳамият берилади. Яъни корхонадаги ишчилар сонининг қанчалигига. Айрим корхоналар давлатнинг имтиёзларидан ўз фойдаларини кўзлаш мақсадида ишчи-ходимлар сонини камайтириб кўрсатишдан манфаатдор бўладилар. Ҳозирги кунда жаҳонда турли миқдор ва сифат тавсифидаги кўрсаткичларнинг мавжудлигига қарамай улардан ягона мезон танланмаган. Кичик бизнеснинг фаолият турига қараб турли мезонлардан фойдаланилган.

МУҲОКАМА

Иқтисодчи М.Эшов ўз тадқиқотлари давомида “кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг сифат мезонлари тариқасида корхона эгасининг меҳнат ва корхонани бошқаришга муносабати ҳамда ишловчилар билан алоқаси даражасидан, миқдорий мезонлар сифатида корхонада банд бўлган ишчилар сони ва йиллик товар айланмасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ” деб кичик бизнес субъектларини аниқлаш меъзонида ишчилар сони билан бирга, йиллик товар айланмасини ҳисоблаш самаралироқ эканлигини келтирган. Бу ёндашув рақамли иқтисодиёт шароитида ўта муҳим меъзонлардан ҳисобланади. Негаки, мамлакат тараққиёти, техника-технологияларнинг бизнес жараёнига чуқур интеграцияланиши билан корхоналарни рақамли трансформациялаш бошланади ва бундай ҳолатда кичик бизнес субъектларини ишчилар сони бўйича аниқлаш меъзони ўз аҳамиятини тобора йўқотиб боради. Ишчи кучи ўрнини бевосита роботлаштирилган технологиялар эгаллайди. Шу сабаб, яқин келажакда автоматлаштириш жараёни тобора кучаяр экан, корхонадаги асбоб-ускуна, мини технология, сунъий интеллект каби **таркиб меъзонини ҳам инобатга олиш мақсадга мувофиқ**dir.

ХУЛОСА

Давлат томонидан кичик бизнесни қўллаб-кувватлашнинг моҳиятини ўрганиш, соҳа фаолиятига қулай муҳит яратиб бериш билан бирга, ҳозирги рақамли иқтисодиёт шароитида уларнинг рақобатбардошлигини оширишда ҳам ўта долзарб вазифалардан ҳисобланади. Шу сабаб, кичик бизнесни янги иқтисодий даврга тайёрлаш мақсадида унинг бошқарувини янада такомиллаштиришда давлат томонидан қўйидаги чоратадбирлар амалга оширилиши лозим деб ҳисоблаймиз:

- кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари корхонанинг эркин фаолияти учун меъёр жихатдан ҳаддан ортиб - кетмаслиги;
- рақамли иқтисодиёт шароитида кичик бизнеснинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини оширишда, давлатнинг фискал, монетар ва бевосида сиёсати ролини тубдан ислоҳ этиш;
- давлатнинг кичик бизнес фаолиятини янада ривожлантиришида, интелектуал салоҳият ва технологик жихатдан таъминланганлик даражасини баҳолаш;
- давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-кувватлашнинг моддий, маънавий, психологик ва ҳуқуқий шаклларининг рақамли иқтисодиёт шароитидаги янги турларини ишлаб чиқиш;

- кичик бизнеснинг яшовчанлик даврини узайтириш, ҳозирги бозор конъюктурасида рақобатбардошлигини оширишда давлатнинг кичик бизнес реабилитацияси операциясини амалга ошириш;

- рақамли иқтисодиёт шароитида кичик бизнес субъектларини аниқлаш меъзонининг янги қўриниши бўлган таркиб меъзони бўйича аниқлаш.

REFERENCES

1. Эшов М. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши: омиллар, натижалар ва истиқболлар. Монография. Тошкент. “Маънавият”. 2017 й. 27. б.
2. Алещенко В.В., Карпова В.В. “Совершенствование механизма государственной поддержки субъектов малого и среднего предпринимательства”. Коллективная монография. ООО Издательский центр “Омский научный вестник”. Омск 2015. SovershMehGosPoddergky.pdf. lib.ieie.su c. 7.
3. Steve Milano. “Role of Government in Promoting Small Business”. January 25, 2019
4. Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишининг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. / Дис. Ав. Реф. Иқт. фан. доктори. Т., 2017. 30 – б.
5. <https://medlife.uz/encyclopedia/r/reabilitatsiya/>
6. Rakhmonovna M. D. A System of Government Regulation and Support Measures to Improve Small Business Governance in the Digital Economy //Academic Journal of Digital Economics and Stability. – 2022. – Т. 14. – С. 93-97.
7. Rakhmonovna M. D. Foreign Experience In Regulating And Supporting Small Business By The State //Eurasian Journal of History, Geography and Economics. – 2022. – Т. 5. – С. 22-26.
8. Rakhmonovna M. D. TASKS AND SOLUTIONS TO IMPROVE SMALL BUSINESS IN THE DEVELOPMENT OF THE DIGITAL ECONOMY //Conferencious Online. – 2021. – С. 57-60
9. Rakhmonovna M. D. METHODOLOGICAL BASIS, FORMS, METHODS AND PROPERTIES OF SMALL BUSINESS AND ITS MANAGEMENT 2021
10. Rakhmonovna M. D. UNDERSTANDING THE ESSENCE OF ENTREPRENEURSHIP AND BUSINESS IS THE BASIS FOR IMPROVING SMALL BUSINESS MANAGEMENT
11. Makhmudova D., Kholikulov A. FINANCIAL SUPPORT OF SMALL BUSINESS AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN //Интернаука. – 2020. – №. 4-3. – С. 38-39
12. Rakhmonovna, Makhmudova Dilbar. "RESEARCH PARK." (2021).
13. Dilbar, M. METHODOLOGICAL BASIS, FORMS, METHODS AND PROPERTIES OF SMALL BUSINESS AND ITS MANAGEMENT.
14. М.Д.Рахмоновна СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УПРАВЛЕНИЯ МАЛЫМ БИЗНЕСОМ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ. VIII Международная научно-практическая конференция «SCIENCE AND EDUCATION IN THE MODERN WORLD: CHALLENGES OF THE XXI CENTURY» 2021. Том. 2. С. 40-43

15. M.D Rakhmonovna “The Role and Importance of Small Business in Shaping the Digital Economy” American Journal of Economics and Business Management 4 (8), 82-90, 2021
16. D. Maxmudova “Рақамли иқтисодиётни шакллантириш асосида кичик бизнеснинг бошқарув тизимини такомиллаштириш” Science and innovation 1 (A5), 440-448, 2022
17. D.Maxmudova “РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА КИЧИК БИЗНЕС ИСТИҚБОЛЛАРИ” Science and innovation 1 (A6), 516-523, 2022
18. D. Maxmudova “КИЧИК БИЗНЕС ВА УНИ БОШҚАРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ, ШАКЛЛАРИ, МЕТОДЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ” Science and innovation 1 (A7), 435-445. 2022
19. D.Maxmudova “РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИШДА КАДРЛАР МАСАЛАСИ” Science and innovation 1 (A7), 446-450. 2022
20. D.Maxmudova “РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КИЧИК БИЗНЕС БОШҚАРУВИНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ” Science and innovation 1 (A7), 451-461. 2022
21. D.Maxmudova “РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ” Science and innovation 1 (A7), 462-469. 2022
22. D.Maxmudova “ТАДБИРКОРЛИК ВА БИЗНЕСНИНГ МОҲИЯТИНИ АНГЛАШ, КИЧИК БИЗНЕС БОШАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ АСОСИДИР” Science and innovation 1 (A7), 470-781. 2022
23. D. Maxmudova “ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КИЧИК БИЗНЕСНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ” Science and innovation 1 (A7), 482-488. 2022